
“Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида “Қалинпўстин” маҳалласининг ҳам 3,0 км. ички йўллари янги қиёфа касб этмоқда
Кува туманида “Очиқ бюджет” лойиҳаси доирасида фуқаролар томонидан илгари сурилган ва “энг кўп” овоз тўплаб ғолиб бўлган таклифлар асосида маҳаллаларга асфальт ётқизиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Ана шундай ободлик ишлари айни кунларда туманнинг “Қалинпўстин” маҳалла фуқаролар ийғинида ҳам амалга оширилмоқда.

Лойиҳа асосида маҳалланинг Қалинпўстин ҳамда Анҳор кўчаларининг 3,0 км. асфальт ётқизиш белгиланган бўлиб, пудратчи ташкилот томонидан замонавий техникаларда ишлар жадал амалга оширилмоқда.

“Ташаббусли бюджет”да ғолиб таклифлар доирасида ҳудудларда ички кўчаларни равонлаштириш тадбирлари давом этмоқда.

2023-06-21 11:50:19